

Тошкент давлат аграр  
университети  
Бизнесни бошқариш кафедраси  
доценти  
Н.Ш.Болтаев тақризи асосида

Облоқулов Абдурауф Олимжон ўғли  
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги  
соҳасида стратегик ривожланиш ва  
тадқиқотлар халқаро Маркази катта  
илмий ходими, и.ф.ф.д. (PhD)  
Тел:+99894 575 91 01  
e-mail: happy\_bear25@mail.ru

---

## ШОЛИЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада шоли етиштирувчи турли хўжалик юритувчи субъектларининг ўзига хос хусусиятлари таққосланган ва мақбул шакл бўйича тавсиялар берилган.

**Abstract:** The article compares the specific characteristics of various rice-growing economic entities and gives recommendations on the optimal form.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги кооперативи, кластер, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги.

**Keywords:** Agricultural cooperative, cluster, farm, peasant farm.

---

**Кириш.** Республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизациялаш, бошқариш тизими ва мулкчилик муносабатларини бозор иқтисодиёти талабларига мос ривожлантириш мақсадида олиб борилган ташкилий-таркибий ислохотлар натижалари таҳлили асосида қўйидаги энг муҳим хулосаларни қайд этиш жоиз. Қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унинг қўйи соҳаларини модернизациялаш, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини, мулкчилик ҳақ-хуқуқлари ва мулккий муносабатларни инновацион ривожлантириш мақсадида олиб борилган ташкилий-таркибий ислохотлар жараёнида бир бирини истисно қилмайдиган ва ўзаро боғлиқ иккита муҳим йўналиш ва чора-тадбирлар тизимини танлаш яхши самара бериши мумкин эди. Яъни, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни сақлаб қолиб, майда товар маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар (фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари)ни ташкил этиш баробарида уларни бир вақтнинг ўзида кооперативлар (ширкат хўжаликлари)га таъсисчи аъзолар сифатида бирлаштириш мақсадга мувофиқ эди. Натижада ҳар иккала шаклдаги субъектларнинг афзаллик ва устунликларидан оқилона фойдаланиш, улардаги мавжуд айрим муаммо ва камчиликларни ўзаро ҳамкорликда бартараф этиш асосида қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда, катта ички молиявий ресурслар ҳисобига техник ва технологик янгилаш, барча йўналишларга боғлиқ инновацион ечимларни ишлаб чиқаришга тезкор жорий қилишга кенг имкониятлар яратувчи ягона ва яхлит тизимга асос солинган бўлар эди. Бироқ, ”бу тизимга маълум даражада путур етказилди ва дунёда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланган давлатлар тажрибасида синалган ва самарали синовдан ўтган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ўзини оқламаган хўжалик юритиш шакли деб эътироф

этила бошланди”<sup>1</sup>. Шу боис, бугунги кунда, масалан, республикамиз шолчилик тармоғида ҳам, афсуски, кооперативлар ташкил этилмаган.

Шолчиликда 2000 йиллардан бошлаб давлат буюртмаси асосида ва уни таъминловчи фермер хўжаликлари ташкил этилди. Аммо, 2003 йилдан бошлаб шолчилик давлат буюртмасининг босқичма босқич бекор қилиниши маълум даражада шолчилик соҳасини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, давлат буюртмасини бажараётган хўжаликларни ишлаб чиқариш ресурслари билан кафолатли таъминлаш, шолчилик маҳсулоти харидори аниқ бўлган тизимнинг талаб даражасида яратилмаганлиги бўлиб, натижада 2003 йилдан шолчилик етиштириш камайиш тенденциясига эга бўла бошлади. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрда қабул қилинган 968-сон қарорига мувофиқ 2020 йилдан бошлаб республикада қуйидаги шартлар асосида шолчилик кластерлари ташкил этилди<sup>2</sup>:

- шолчилик кластери ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг замонавий инновацион технологияларидан фойдаланган ҳолда шолчилик етиштириш ёки уни шартнома асосида сотиб олиш, саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришни таъминлайди;
- шолчилик кластери, биринчи навбатда, иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфрақурилиш объектлари, шу-нингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли маҳал-лий инвесторлар томонидан ташкил этилади;
- Ер кодекси талабларига мувофиқ шолчилик кластерига ер май-дони юридик ва жисмоний шахсларга ажратилмаган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, қайта тикланадиган ҳамда фойдаланишга киритилмаган ер майдонларидан белгиланган тартибда эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ажратилади;
- келгуси йил ҳосили учун шолчилик кластерини ташкил этиш бўйича таклифлар ҳар йилнинг 1 февралига қадар шакллантирилади;
- шолчилик кластерининг фаолиятини ташкил этиш учун алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши талаб этилмайди, хорижий инвесторлар иштирок этаётган шолчилик кластери бундан мус-тасно;
- шолчилик кластерига ажратилган ер майдонларидан бир йил мобайнида фойдаланмаслик, тупроқ унумдорлигининг пасайишига, кимёвий ва радиоактив ифлосланишга олиб келувчи усуллардан фойдаланиш ҳамда мазкур қарорда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишига олиб келади.

Шолчилик кластерига ер майдони Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан ташаббускорлар ўртасида ёзма равишда тузиладиган битим асосида, хорижий инвесторлар иштирок этаётган шолчилик кластерига эса Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тузиладиган инвестиция киритиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ажратилади.

Шолчилик кластерига ва шолчилик етиштирувчи хўжаликларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилди:

<sup>1</sup> Қ.Чориев. Қишлоқ хўжалигида кооперация шакли ва муносабатларини ташкил қилиш: муаммо ва ечимлар. -Тошкент: “Агроиқтисодиёт”, №4.-2019.- б.4.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2019 й., 12/19/5742/3297-сон;

- шoли етиштириш учун шoличилик кластери томонидан ажрати-ладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- ҳосилдорликни ошириш чораларини кўриш ҳамда ҳар бир гектар суғориладиган ер майдонидан камида 70 центнер ҳосилдорликка эри-шиш;
- шoличилик кластери билан тузилган шартномада кўрсатилган шoлини белгиланган миқдор, сифат ва муддатда сотишни таъминлаш.

Бугунги кунда шoличилик кластерлари республикамизнинг 7 та ҳудудида 35 тани ташкил этиб (Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Хоразмда 14, Андижонда 9, Сирдарё ва Фарғонада 2 тадан, Наманган ва Тошкентда 1 тадан<sup>3</sup>), фермер хўжаликларида етиштирилган шoли маҳсулотининг асосий харидори бўлиб қолмоқда. Шунингдек, шoличилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларидан харид қилина-диган шoли харажатлари ўзаро тузилган шартнома асосида белгила-нади. Унга асосн кластерлар ўз маблағлари ва тижорат банклари кре-дитлари ҳисобидан шoли етиштириш учун зарур бўлган уруғлик, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари ва механизация хизматлари учун бўнак маблағ-лари ажратиши зарур. Акс ҳолда етиштирилган маҳсулот тўлиқ шoли етиштирувчи хўжаликлар ихтиёрида қолдирилади.

Тадқиқотларимизнинг гувоҳлик беришича, Сирдарё вилоятидаги шoли етиштирувчи хўжаликларда ўтказилган сўровнома натижасида кластерларга шартнома асосида шoли етказиб бериш тизимида айрим қулайликлар билан бирга бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат (1-расм).

Шoличилик кластерлари томонидан шoличилик хўжаликларидан харид қилинган шoли учун якуний ҳисоб-китоблар йил якунига қадар қилиниши белгиланган. Бироқ, таҳлил натижалари ва жойларда шoли-чилик хўжаликлари раҳбар-ходимлари билан ўтказилган мулоқатлар чоғида билдирган фикрларнинг кўрсатишича, янги ташкил этилган шoличилик кластерлари соҳага бир қанча янгиликларни олиб кирган бўлсада, ҳозирги ҳолатда кооперация тамойил ва муносабатларининг бузилиши туфайли кластер билан ўзаро ҳамкорлик қилиш шoличилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш-иқтисодий манфаатларини тўлиқ таъминлай олмаяпти.

---

<sup>3</sup> Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида



**1-расм. Шоличилик кластерининг хўжаликлардан шоли хом ашёсини шартнома асосида харид қилиш тизимидаги ўзига хос афзаллик ва камчиликлар<sup>4</sup>**

Шу сабабдан, бизнингча, ҳозирги шоличилик кластерлари фаолиятидаги устунликлар ва афзалликлардан оқилона фойдаланиш асосида мавжуд хато-камчиликларни бартараф этишнинг ташкилий-иқтисодий ечимлари сифатида кооперация муносабатлари, тамойиллари ва механизмларини жорий қилиш лозим. Чунки, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг кооператив шакли нафақат шоли етиштириш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни, шу билан бирга шоличилик хўжаликлари ишчи-ходимларининг мулкий ҳуқуқларини таклаш ва ҳимоялаш жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, аввал ҳам қайд этилганидек, кооперативга ихтиёрий аъзо бўлиш, уни бошқаришда бевосита иштирок этиш, йил якуни бўйича ҳар бир аъзони ўз мулкий пай улушига мутаносиб рағбатлантириш, мавжуд ресурслардан ўз мулкидек фойдаланишга интилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан моддий манфаатдорлик каби омилларни самарали қўллаш имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратади.

<sup>4</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

1. Аъзо бўлиш ҳақ-ҳуқуқлари, мажбурият ва жавобгарлиги, уларнинг субъектни бошқариш ва назорат қилишдаги ваколатлари ва улар ташаббусини рағбатлантириш механизмлари.

2. Субъектни рақамли иқтисодиёт ва технологиялар талабларига мос демократик бошқарув органлари, тамойил ва механизмларининг мавжудлиги, бошқа субъектлар билан ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш тизимидан фойдаланиш имкониятлари.

3. Мулккий муносабатларни ўзаро манфаатдорликни таъминлаш асосида ташкил қилиш, аъзоларнинг мулкдорлик мақомини тиклаш ва ҳимоя қилиш, жамғарма ва аъзолар мулккий пайларини шакллантириш, уларни кўпайтиришни рағбатлантириш ва уни эркин тасарруф қилиш механизмларини татбиқ этиш.

4. Ички ва ташқи инвестиция манбаларини кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, субъект фаолиятининг инвестицион ва инновацион жозибадорлигини ошириш, инвестициялардан самарали фойдаланиш, инвестиция киритган маҳаллий ва хорижий сармоядорларга имтиёзлар бериш.

Хулоса сифатида шолчилик соҳасида кооперация асосида ташкил этиладиган кооператив ва муносабатлар тизимини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва технологик йўналишларга боғлиқ муаммо ва устувор вазифаларни ҳал этишга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ташкил этилган шолчилик кооперативлари фаолиятининг дастлабки босқичида давлат томонидан иқтисодий кўллаб-қувватлаш тизимида муҳим механизмлар сифатида биринчи навбатда дотация, субсидия ва имтиёзли кредитларнинг аниқ мақсад ва вазифасига кўра адолатли тақсимлаш, уларнинг таъсисчи аъзолар манфаатдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш устувор йўналишлардан эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғриси-даги”ги Қонуни. -Т.: 1998 йил 30 - апрел. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: 1998 йил 30 - апрел. Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғриси-да”ги Қонуни. - Т.: 1998 йил 30 - апрел. Lex.uz
4. Облоқулов. А. Қишлоқ хўжалигида кооперациявий муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари ва тамойиллари.-“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали, №9. -Т.: - 2021 й.
5. Oblokhulov, A., & Farrukh, R. (2023). WAYS TO CREATE ADDED VALUE IN GRAIN PRODUCING FARMS THROUGH COOPERATIVE RELATIONSHIPS. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research, 10(11), 77-80.
6. Oblokulov, A. (2022, December). THE NEED TO DEVELOP THE RICE NETWORK THROUGH COOPERATIVE RELATIONS. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 107-110).
7. Oblokhlov, A. (2022). THE IMPORTANCE OF THE RICE NETWORK IN SUPPLYING THE POPULATION WITH FOOD PRODUCTS AND THE NEED FOR ITS DEVELOPMENT. EPRA International Journal of Climate and Resource Economic Review (CRER), 10(6), 1-6.